O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 26 ноябрь, № 245 (3520) Жума

# Юзи ёруғ деҳқоним, айлайин, таъзим Сизга!

## ёхуд республикамиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачилик соҳасидаги бу йилги якунларга бир назар

**Сиз сарлавҳани ўқибоқ, муддаомизни англаган бўлсангиз керак: бугун, ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз пахтакорлари ҳар қанча мақтову таҳсинга лойиқдир! Чунки Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги нишонланган йилда улар узоқ йиллар мобайнида биринчи марта давлатга салкам 3 миллион 540 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бердилар!**

Яна бир қувонарли жиҳати шуки, жорий йилги пахта йиғим-терими мавсуми 15 ноябрда якунланди! Бу келгуси йил ҳосилига пухта пойдевор қўйиш — кузги-қишки дала ишларини барвақт ва сифатли бажариш имконини яратмоқда.

**Қиёс:** *ўтган йили, гарчи барча вилоятларда 30 ноябрга қадар пахта терилган бўлса-да, жами 2 миллион 851 минг 806 тонналик «оқ олтин» хирмони уйилган эди, холос.*

### Далил ва шарҳ

***ТАҚҚОСЛАШ УЧУН ТАҒИН БИР ДАЛИЛ:*** бултур атиги икки вилоят — Самарқанд ва Сурхондарё деҳқонлари шартнома режаларини уддалаган бўлсалар, 2004 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Жиззах, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари деҳқонлари белгиланган маррадан ўздилар.

**Пахтачилик бўйича таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ренат НАЗАРОВ шарҳи:**

— Аввало, қашқадарёлик миришкорлар ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини намоён этишганини таъкидлашни истардим. Улар 12 октябрда пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини республикада биринчи бўлиб уддалаб, қабул пунктларига 410 минг тонна юқори навли пахта топширган эдилар. Якуний хирмон 467 минг тоннани ташкил этди. Бу шартнома мажбуриятидан 57 минг тонна кўпдир!

Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари хўжаликларида қўшимча равишда 13-22 минг тоннадан пахта тайёрланган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон, Жиззах ва Навоий вилоятларида шартнома мажбуриятлари 102-106 фоиз адо этилди. Сурхондарёлик пахтакорларнинг республика улкан хирмонига қўшган ҳиссаси эса 345 минг тоннадан ошди.

Бу ютуқлар, табиийки, ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Шу боис Президент Ислом Каримов ғолибларнинг ҳаммасини эришилган меҳнат зафари билан самимий табриклади.

Табрикларда алоҳида таъкидланганидек, ана шу ғалаба замирида, биринчи галда, қишлоқ хўжалиги соҳасида кечани кеча, кундузни кундуз демай, ишнинг кўзини билиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб оддий деҳқонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз юртига содиқ бўлиб, она тупроғини севиб-ардоқлаётгани, чинакам ватанпарварлик фазилатлари мужассам.

Айниқса, адолат тамойиллари устувор бўлаётгани, меҳнатга муносабат ўзгараётгани, бу эса ўз навбатида юксак самарадорлик ва моддий фаровонликка айланиб бораётгани — буларнинг барчаси бугунги қишлоқ ҳаётида содир бўлаётган кескин ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолатдир.

Айни чоғда ҳар бир минтақа мактабига хос бўлган қадимий ва бой анъаналардан, замонавий фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланилгани туфайли кўплаб ширкат ва фермер хўжаликларида сифатли пахта хомашёси етиштирилиб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Шу билан бирга, ҳар бир вилоят замини ва тупроғига мос, серҳосил навларнинг танланганлиги, одамларда ерга эгалик туйғуси кучайиб бораётгани, улар ер, сув, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишни замон талаблари асосида ташкил этгани, далада ишлаётган барча деҳқонларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантиришнинг мақбул усуллари жорий қилинаётгани бу ғалабани таъминлашда муҳим омил бўлди.

Қуйидаги мисоллар ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

**Қашқадарёлик мухбиримиз Бўри НОРҚОБИЛОВ ҳикоя қилади:**

— Халқимизда «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ» деган нақл бор. Ҳақиқий деҳқон бу нақлнинг маъносини яхши

(Давоми 2-бетда).



*Жорий йилда мамлакатимиз пахтачилигида ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Агротехника тадбирларининг қулай ва қисқа муддатларда амалга оширилиши туфайли эртаги ҳосил етиштирилди. Аксарият меҳнат жамоаларида йил бошида тузилган шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилди. Натижада 2005 йил ҳосилига пухта замин яратиш имконияти пайдо бўлди. Бободеҳқон «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда» нақлининг ҳаётий ҳикмат эканлигига ўз ишида ишонч ҳосил қилди. Шу боис Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ғўзадан бўшаган далаларни аёзли кунларгача ҳайдаш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ғанимат дамлардан унумли фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда. Бу йил тошлоқ майдонларнинг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил кўтарган Андижон туманидаги «Оқ олтин» фермер хўжалиги деҳқонлари ана шу юмушни ҳар йилгидан барвақт ниҳоясига етказдилар.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги иш юритувчиси Бахтиёр Сатторов ва тракторчи Тўхтасин Юсупов шудгор сифатини кўздан кечиришмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### *Олий Мажлиснинг XVI сессияси олдидан*



***Кеча Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР САРИ

Йиғилишда, даставвал, иккала қўмита тавсияси асосида тегишли давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда чоп этилган «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар» тўпламининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур тўплам одил судловни амалга ошириш учун соҳага оид 24 та халқаро шартномадан иборат бўлиб, асосан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига мўлжалланган. Китоб тақдимотида сўз олганлар уни чоп этишда молиявий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастурига, шунингдек, ЕХҲТ, Халқаро Қизил Хоч ташкилотига миннатдорчилик билдириб, тўплам амалий фаолият учун ниҳоятда зарур қўлланма эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ўтган беш йил ичида еттинчи тўплам бўлган ушбу янги нашр жамиятимизда халқаро алоқалар ва муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишида айни муддао эканлиги эътироф этилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов олиб борган ушбу йиғилишда депутатлар «Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияларнинг бажарилишини ҳам муҳокама қилишди. Ушбу масала юзасидан Давлат Божхона қўмитаси раиси ўринбосари С. Носировнинг ахбороти тингланди. У халқимизнинг бетакрор истеъдоди маҳсули бўлган осори атиқалар, ўтмиш адабиётимизнинг дурдона асарлари, санъат ва фан учун улкан аҳамиятга эга бойликларимизни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг кўпаяётганлигини таъкидлади. Шундай йўл билан олиб чиқиб кетилаётганда ушланган буюмлардан 51 таси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига, 238 таси Санъат музейига, 263 таси республика Давлат хазинасига, 34715 таси эса Ўзбекистон тарихи музейига топширилган.

Депутатлар иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, уни маъқулладилар.

Шундан сўнг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти ҳақида ҳисобот тингланди. Таъкидлаш керак, қўмита ҳисобот даврида хорижий мамлакатлар, ЕХҲТ парламент Ассамблеяси, Европа парламенти каби халқаро ташкилотлар билан парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини давом эттирди. Айниқса, парламентлараро делегациялар алмашинувининг кенгайиб бориши, ўз навбатида Олий Мажлиснинг халқаро алоқалари мустаҳкамланувини таъминлади. Хусусан, Европа, Яқин Шарқ, Осиё мамлакатлари ва АҚШдан қарийб 200 делегация, жумладан, элликта парламент делегацияси қабул қилинди. Шу давр мобайнида Олий Мажлис томонидан 45 та шартнома, конвенция ва битим ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг еттита халқаро конвенцияга қўшилиши маъқулланди.

Бундан ташқари, йиғилишда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳисоботи ҳам эшитилди. Унда таъкидландики, қўмита мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришда, амалдаги қонунлар назорат-таҳлили юзасидан самарали фаолият кўрсатди. Чунончи, қўмита томонидан 4 та янги ва шунча янги таҳрирдаги қонун, 15 дан ортиқ қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар берилди. Айниқса, қўмита 2001 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича амалга оширган ишлари натижасида сайловларда катта ёшли аҳолининг 80 фоизи иштирок этди. Бу, сўзсиз, фуқароларда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларга қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Қўшма йиғилиш якуни юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 26 декабрь
### Халқ. Демократия. Сайловлар

# Номзодингизнинг кимлигини биласизми?

***Газетамизнинг олдинги сонларида эълон қилганимиздек, Марказий сайлов комиссияси сайловнинг асосий субъектлари саналган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан тақдим этилган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатини кўриб чиқди ва ўз қарорини қабул қилди. 517 нафар номзоднинг рўйхати қонунда кўрсатилганидек, маҳаллий матбуотда эълон қилинди.***

Демак, номзодларнинг сони аниқ. Аммо сайловчиларни уларнинг сифат кўрсаткичлари, тоифалари ҳам қизиқтириши, табиий. Марказий сайлов комиссияси рўйхатдан ўтган номзодларнинг ижтимоий келиб чиқиши, партияга мансублиги, миллати, жинси, маълумоти, сайлов округларига доир статистик маълумотларни ўрганиб чиқди. Куни кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаев бошқарган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув айнан шу мавзуга бағишланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Хўжаева тўпланганларни депутатликка номзодларнинг тоифа тақсимоти бўйича таҳлилий маълумотлар билан таништирди. Таҳлилларга кўра, «Адолат» социал-демократик партияси сайловларда 74 нафар номзод билан қатнашади. Бу жами номзодларга нисбатан 14.3 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар Миллий тикланиш демократик партиясида — 61 (11,8 фоиз), Сайловчилар ташаббускор гуруҳларида — 56 (10,8 фоиз), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясида 119 (23 фоиз), Фидокорлар миллий демократик партиясида — 89 (17,2 фоиз), Халқ демократик партиясида — 118 (22,8 фоиз) нафардан иборат. Номзодлар кўрсаткичининг 92,1 фоизини ўзбеклар, 3,5 фоизини қорақалпоқлар, 1,2 фоизини руслар, 0,77 фоизини тожиклар, 0,58 фоизини қозоқлар ташкил қилади. Бундан ташқари, депутатликка номзодлар сафидан 7 миллат (қирғиз, украин, эроний, корейс, татар, бурят, бошқирд) вакиллари ҳам ўрин олган.

Бу йилги сайловларда анча демократик ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу сайлов қонунчилигига доир ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, аёллар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил қилиши лозим. Таҳлилий натижалар эса хотин-қизлардан 162 нафар номзод рўйхатга олинганлигини, бу жами номзодларнинг 31,3 фоизини қамраб олганлигини кўрсатмоқда.

Одатда, халқимизда 40 ва 50 ёшлар ўртасини ҳар томонлама етук давр деб ҳисоблашади. Бу сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг ёшида ҳам намоён бўлди. Айнан 41-50 ёшдаги номзодлар жами номзодларнинг 50,7 фоизини ташкил қилган. 30 ёшгача — 2,3, 31-40 ёшгача — 19,7, 51-60 ёшгача — 19,1 фоиз.

Шунингдек, номзодларнинг 98,8 фоизи олий, 0,82 фоизи тўлиқсиз олий, 0,38 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилардир. Уларнинг мутахассислигида ҳам анчагина фарқ сезилади. Жумладан, номзодларнинг 15,5 фоизи иқтисодчилар, 14,7 фоизи ҳуқуқшунослар, 6 фоизи шифокорлардан иборат. 63,2 фоизи эса бошқа ихтисосдаги инсонлардир. Номзодларнинг орасида 17,7 фоизи фан номзоди, 7,98 фоизи фан доктори эканлиги ҳам қувонарлидир.

Номзодларнинг округлар бўйича тақсимотида ҳам ўзгача бир руҳни сезамиз. 52 та округда — 4, 39 та округда — 5, 9 та округда 6 нафар номзод бир ўрин учун кураш олиб боради.

Хуллас, номзодлар аниқ бўлди, эндиги навбат — сайловолди ташвиқотларига. Табиийки, мазкур учрашувда бот-бот такрорланганидек, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга тенг ҳуқуқ берилиши тартибига қатъий риоя қилиниши шарт. Қонунларимиз тамойиллари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибнинг ҳаётга тўла жорий этилиши ҳар биримизни эркин фуқаролик жамияти сари тобора яқинлаштиради.

Учрашувда маҳаллий ва хорижий журналистлар саволларига ҳам жавоб қайтарилди.

**Эсиргап БОЛИЕВ.**

## Сайлов ташвиқотлари тенг, ошкора ва холисона бўлсин!

# МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Белгия Қуролли кучларининг Бирлашган штаби бошлиғи, генерал Август Ван Даел 25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар ҳарбий таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**(ЎзА).**

*Пойтахтимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Европа минтақавий қўмитаси доимий қўмитасининг 12-чақириқ иккинчи кенгаши бошланди.*

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда ЖССТ вакиллари, мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этмоқда.

Кенгашда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббиёт соҳаси учун етук кадрлар тайёрлаш, аҳоли, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган

(Давоми 2-бетда).

### *Парламент соати*

# Аграр соҳанинг қон томири

Кеча пойтахтимизда "Ўзбекистонда сув хўжалиги ислоҳотларини чуқурлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қувватлаш дастури томонидан ўтказилган мазкур анжуман аграр тармоқда, хусусан, сув хўжалиги олдида турган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланди.

Таъкидландики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлиги, хусусан, сув хўжалигида бошқаришнинг ҳавзавий усулига ўтилиши мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганлигидан далолатдир. Лекин бу борадаги ишларни такомиллаштириб боришни ҳаёт тақозо қилмоқда. Хусусан, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш навбатдаги вазифалардан бири ҳисобланиб, бунда хориж тажрибаси қўл келади. Масалан, ушбу соҳада чет мамлакатларда бой тажриба тўпланган. Шунингдек, сувдан фойдаланиш ёки келгусида қишлоқ хўжалигида салмоқли ўрин тутиши кўзда тутилаётган тузилма — Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, конференцияда сув хўжалиги олдида турган бошқа муҳим вазифалар, яъни ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг иқтисодий механизми, сувдан фойдаланишда самарадорликни ошириш йўллари ва муаммолари ҳамда ҳуқуқий муносабатлар хусусида ҳам фикрлашиб олинди. Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Йўлингиз равон, сафарингиз бехатар бўлсин!



## навоийлик йўлсозларнинг шиори шундай



СУРАТДА: Кармана «Автойўл» корхонаси йўл устаси Жасур Файзиев ва автогрейдерчи Актам Холов.

***Президентимиз Ислом Каримовнинг менга жуда хуш ёқадиган бир ҳикматбахш, даъваткор гапи бор: «Биздан обод ва озод Ватан қолсин!» Мен бу гапни жон-руҳим билан ардоқлайман. Иш фаолиятимизга чуқур сингдиришга интиламан.***

Вилоятда иш бошлаган йилларда ривожланган қатор мамлакатларда бўлиб, улардан ободликни, саришталикни ва тараққиётни кузатиб қайтдим. Айни пайтда ўша ватандан айро кечган кунларда она-Ўзбекистонимизга кириб келаётгандаги руҳимда кечган соғинчу қувончга коришиқ туғённи сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Ана шу азиз ва суюкли Ватанимизга бўлган катта меҳру муҳаббатимиз ҳаққи-ҳурмати унинг ободлиги учун астойдил хизмат қилишимиз лозимдир. Аслидаям, фарзанд дунёга келганда, кўпни кўрган қариялар гўдакни юрту ватанига хизмат қиладиган инсон бўлсин, деб дуо қилишади. Бу дуои ният инсон улғайган сари руҳида камол топиб бораверади. Жумладан, Ватанга, элюртга бўлган муҳаббат туйғусиям ана шу тилакка коришиқ ҳолда улғаяди. Уйғоқ руҳли инсоннинг фақат истеъмолчи эмас, яратувчи бўлиб яшашга интилишининг сири ҳам шундадир, эҳтимол.

Бироқ яратишнинг-да ўз сир-синоатлари бор экан. Биз йўлсозлар, айниқса, ўз фаолиятимизда сифат ва технологияга алоҳида эътиборни қаратиб ишламас эканмиз, истаган натижага ҳеч қачон эриша олмаймиз. Йўлсозликдаги 45 йиллик фаолиятимда ана шу ақидага риоя этишга ҳаракат қилдим.

Сифат билан ишлаш, мавжуд технологиянинг бекаму кўст бажарилиши эса халқ-давлат маблағининг иқтисод қилинишига олиб келади. Чунки бундай қатъий талаб ва меҳр остида қурилган йўллар белгиланган муддатлару йиллар ўтсада, сифатини йўқотмайди.

## МЕҲР — ДЎСТ, ЛОҚАЙДЛИК — ДУШМАН

Деярли харажатсиз, хавфу хатарсиз элга хизмат қилаверади.

Сирасини олганда, кейинги даврда йўлларимизнинг обод бўлишида вилоятимиз ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари самарали таъсирини кўрсатди. Биз эса қилинадиган ана шу ишларнинг сифатли бўлишига астойдил ҳаракат қилдик ва бунга имкон қадар эриша олдик.

«Навоийавтойўл» йўл қурилиши ҳудудий шўъба ташкилоти умумфойдаланишдаги 4534 километрлик автомобиль йўлларини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл иншоотларини жиҳозлаш ҳамда таъмирлаш бўйича изчил фаолият кўрсатади. Ўтган йилги режалар ортиғи билан бажарилди. Жумладан, 6,5 километр узунликдаги йўл тўлиқ, 475 километр масофадаги йўллар ўрта таъмирланди ва илгариги йилга нисбатан қоплама равонлиги 1,2 баробарга оширилди. 6 та кўприк таъмирланиб, 12 та сув ўтказувчи қувур ўрнатилди, 1104 та йўл белгиси янгиланди, 20,2 километр масофада пиёдалар йўлаги қурилди.

Вилоят йўлсозлари Кармана туманида олиб борилган мислсиз ишлар қаторида Конимех туманидан ўтувчи А-379 «Навоий-Учқудуқ» йўлининг 2 километр жойини, Навбаҳор туман марказига олиб борувчи «Бешработ» йўлининг 2,5 километр қисмини, «Самарқанд-Бухоро» магистрал йўлининг 11 километрлик ҳудудини, Нурота туман марказига олиб борувчи «Митан-Қўшработ-Нурота» йўлининг 2 километрини, Қизилтепа тумани марказидан ўтиб, темир йўлга олиб борадиган автомобиль йўлини ҳамда барча ҳудудлардаги қатор йўлларни таъмирдан чиқарган эдилар.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида бўлиб ўтган кучли ёғингарчилик Айдаркўл сувининг кўтарилишига сабаб бўлди. Оқибатда Нурота-Боймурот-Утемурот-Томдини туташтирувчи «Ур-57» йўлнинг 17 километр узунликдаги қисми сув остида қолиб кетди. Бу табиий офатнинг асоратини тезда бартараф этиш мақсадида Республика йўл жамғармасидан 76 миллион сўм маблағ ажратилди. Қисқа фурсатда йўлсозларнинг кучи билан бу ҳудудда вақтинчалик айланиб ўтиш йўли қурилиб, транспорт қатнови изга тушди.

Юқоридаги ишлар баробарида огоҳлантирувчи устунлар ўрнатиш, хавфсизлик чизиқлари билан жиҳозлашдан тортиб, йўллар атрофини кўкаламзорлаштириб, ободончилик ишларини олиб боришгача бугун йўлсозларнинг вазифасига киради. Шу асно кўкламда вилоятимиз йўлсозлари йўлу йўлаклар бўйларига 14354 дона турли хилдаги дарахт ва гул кўчатлари ҳам ўтқазишди.

Бир хил масаллиғдан ўнта ошпаз ўн хил таом қилади. Лекин меҳрини, юрагини бериб пиширган ошпазнинг таоми энг ширин бўлади. Умуман, бу янги гап эмас. Ҳамма ишдаям, аввало, кишида билим захираси етарли бўлсаю, ишига меҳр билан, юрагини бериб ёндошса — ўша иши сифатли, ютуғи ҳалол! Шунинг учун ҳар бир киши ўзи қиладиган ишни яхши кўриши, уни юрагининг нури, меҳрига йўғириб, фидойилик билан бажариши лозим. Хуллас, мен бу гапни ҳар бир ҳамкасбим, шогирдим, издошимга уқтиришга ҳаракат қиламан. Лоқайдлик эса энг ёмон касалликдир. Меҳр ва лоқайдлик бир идишдан таом ея олмайди. Лоқайд одамлар охир-оқибатда ўз-ўзигаям, жамиятгаям, ўзи сезмаган ҳолда халқ-Ватанигаям, унинг келажагигаям душманлик қилган бўлади.

Ота-боболаримиз, момоларимиз мачит, қабристонлар қаторида йўлни ҳам муқаддас билганлар. Лекин кейинги йилларда аҳолининг йўлга муносабати ўзгарди. Мағзава тўккани қайси, гилам қоққани қайси, мол боғлаб, гўнгга ботириб қўйгани қайси. Бу тўккан-сочганлар транспортлар қатнови пайтида чанг бўлиб кўтарилади, ўзингга, уйингга қайтиб боради. Лекин улар буни билишмайдиям, тан олишмайдиям. Аслида, киши юрадиган йўлга бундай палакат нарсаларни тўкиш исломий одобимизга ҳам асло тўғри келмайди. Афсуски, уни уқтирадиган ота-оналарнинг айримларида маърифий билим етишмайди. Китобхонлик, газетхонлик йўқ. Ҳар қандай ёмонлик жаҳолатдан бошланмайдими, ахир.

Автомобиль йўллари Ўзбекистон давлатининг мутлоқ мулкидир. Бу мулкни биз асраб-авайлашимиз, умрини янада узайтиришимиз, эҳтиёт қилишимиз зарур. Чунки бу йўллар бизга ва бизнинг фарзандларимизга-да хизмат қилади ва ҳаммамизни бахт қўрғони сари олиб боради.

**Жаббор НОРМАТОВ,**
**«Навоийавтойўл» шўъба ташкилоти раҳбари.**

## Касбимиз — фахримиз

Фаолиятимизга кечаги йиллар мисолида назар ташлайдиган бўлсак, 2002 йилда умумфойдаланувда бўлган 428 километр узунликдаги йўлларни таъмирлаш ва йўл ҳолатини сақлаш учун 332991,7 минг сўмлик иш бажарилди. Бу режадагидан 2 миллион сўм ортиқ иш қилинди, демакдир.

2003 йилга келиб ушбу рақам 630 миллион сўмни ташкил этди. Бунда ҳам режада белгиланганидан 5 миллион сўмлик зиёда иш қилинишига эришилди.

Мазкур жараёнларда 5 та кўприк қайта қурилиб, фаолият бошлади. Зарафшон тракти йўлининг Оқмачит қадамжосига борадиган қисми тўлиқ таъмирланишига эришилди. Шунингдек, 100 километр масофада ўрта таъмирлаш ишлари олиб борилди, 2 та кўприк таъмирланиб-кенгайтирилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида эса 310953 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режалаштирилган эди. Амалда 332707 минг сўмлик йўл таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 91 миллион 131,9 минг сўмлик иш Кармана тумани марказидаги Қўчқор Қаршиев номли кўчанинг тўла таъмирланиши жараёнида амалга оширилди.

Шунингдек, ҳозиргача тўла таъмирлаш бўйича туман марказида 2 километр пиёдалар йўлаги қурилди. «4р-48» автомобиль йўлининг 145-километридаги сел йўлига қурилган кўприкни қайта таъмирлаш иши ҳам жадал бормоқда. 13 километр ҳажмдаги автомобиль йўлининг қопламаси ўрта таъмирланди, 428 километр узунликдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бу каби ишларнинг барчасида 143 нафар ишчи-хизматчининг муносиб улуши бор. Биз йўлсозлар ўз касбимиз билан фахрланамиз. Муваффақиятларимизни янада ошириб бораверамиз.

**С. БЎРИЕВ,**
**Хатирчи тумани ЙХПТФК директори.**

## Саховатпешалик

«Меҳр ва мурувват» йили меҳрли-мурувватли юраклардаги эзгу ҳисларни янада тошириб юборди. Биров қай бир ночор инсонга, биров қай бир эҳтиёжманд жамоат ташкилотига қайишди. Кимдир яна бир хайрли тадбирга маблағ бериш учун отланди. Айниқса, бу тадбир вилоятдаги йўлсоз корхоналар фаолиятида ҳам чарақлаб кўринди. Корхоналар томонидан маорифдаги муаммоларни бартараф этиш учун 17 миллион 975 минг сўмлик маблағ сарф этилди, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга 2 миллион 847 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Улар вилоят миқёсида ташкил қилинган шанбаликда ҳам иштирок этиб, «Экосан», «Маҳалла» каби жамғармалар ва Навоий шаҳрида қурилаётган янги қурилишлар фондларига 4 миллион 255 минг сўм миқдорида маблағ ўтказиб беришди.

Бу хайрли тадбирга Қизилтепа, Кармана, Учқудуқ ЙПТФК, «Навоийавтойўл»нинг ўзи, «Қизилқум» ЙФБ, Томди ЙПТФУ ва бошқа корхоналар самарали ҳисса қўшдилар.

## Яхшиларнинг қадрига етинг

***Бошқармамизда 260 дан зиёд киши меҳнат қилади. Таркибида 2 та асфальт-бетон цехи мавжуд. Ўтган 9 ойлик даврда цехлар 24 минг тонна, яъни режадагидан минг тонна зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди. Шунингдек, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехимизда ўтган даврда 400 кубдан ортиқ йўл жиҳози тайёрлаб берилди. Ёки тош майдалайдиган цехимизда 9 ойлик якунига кўра 5 минг куб атрофида чақиқ тош ишлаб чиқардик.***

Умумфойдаланишдаги йўлларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича 608 миллион сўмлик иш бажарилди. Жумладан, йўлни жорий ва ўрта таъмирлаш бўйича 20 километр ўрнига 20,4 километр ҳажмда йўл таъмирланишига эришилди.

Пудратчилик фаолиятимизни изчил давом эттириб, мазкур йилда ҳам Навоий аэропорти қурилишида иш олиб бораяпмиз. Шу аснода 9 ойлик режамиз 2 миллиард 600 миллион сўмлик қилиб адо этилди. Бу — асосий режадан 100 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди, демак.

Қўшни Самарқанд вилоятининг Султонобод қишлоғидан ўтувчи магистрал йўлда ҳам 75 миллион сўмлик иш бажарилишига муваффақ бўлдик. Шунингдек, йўлсозларимиз вилоятимиздаги қадимий ва тарихий обидалардан бири бўлган Сардоба атрофида ҳам фаолият кўрсатишди.

Бошқармамизнинг ўтган даврдаги соф фойдаси 75 миллион 812 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 15 фоизни ташкил этди. Ўртача даромад киши бошига 70 минг сўмдан ортди.

1999-2002 йиллардан Президентимизнинг алоҳида эътибори билан ёш вилоятимиз ҳамда унинг кўҳна кенти Карманада катта ҳажмдаги ободончилик ишлари олиб борилди. Ўшанда бошқармамизга қарашли М-37 йўлнинг Кармана тумани ҳудуди ҳамда туман марказидаги Кармана кўчаси қайта қурилди. Корхонамиз йўлсозлари уларда чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Шунга яраша иш кўрсаткичларимиз ҳам салмоқли эди. Масалан, 156 километр ўрта ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, 20 километр ҳажмдаги йўлда қайта қуриш ва капитал таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди. 21 километр масофада эса бетон плиталар ёрдамида пиёдалар йўлаги қурганмиз.

Шу аснода эътиборни бир нарсага қаратмоқчиман. Барча соҳаларга нисбатан йўлсозлар меҳнатининг заҳмати зиёда ва масъулияти оғирдир. Бунинг маъноси шундаки, соҳа хизматчилари транспортлар қатнови остида, чанг, шовқин, тутун ичида ишлашади. Шундай кезлар бўладики, иш вақти тугаб, толиққан бўлса-да йўлсоз ишини ташлаб кетолмайди. Чунки йўлнинг бир томонга қатнов қисмини ёпган бўлса, уни шу ҳолатда қолдириб кетиш катта кўнгилсизликлар, баъзида, автофалокатлар содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳар қандай қийин вазиятда ҳам йўлсоз ишни охирига етказиб кетишга мажбур. Кармана шаҳри ҳудудидаги йўл қурилишида тунги соат 1-2 ларда ҳам заҳмат чеккан фидойи йўлчиларимиз меҳнатларини таъкидлаб ўтишим даркор. Жумладан, Комил Муҳиддинов, Ҳамидулла Ҳамдамов каби автогрейдерчилар, Қувондиқ Ботиров, Аҳрор Ҳамроев каби ишчилар, Равил Тоғаев, Истам Рустамов каби асфальт-бетон цехи оператори ва битумчилар, Райҳон Қўлдошев, Ҳайдар Ҳамдамов каби бульдозерчи ва экскаваторчилар, Альберт Каримов каби иш юритувчимиз хусусида ана шундай эътирофли гап айтсам, хато қилмайман.

Аслидаям, ҳар қандай корхонада ишнинг муваффақиятли бориши ўз касбини яхши биладиган мутахассисларнинг қадрига етиш, ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб ишлатишга дахлдордир. Биз раҳбарлар ушбу масалада хато қилмасак ютуқлар келаверади, корхона нуфузи ҳам муваффақиятлар қадар юксалаверади.

**Бўрон АБДУЛЛАЕВ,**
**Навоий магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.**



СУРАТДА: вилоятдаги 217-йўл бўлими ишчилари Мирзо Хайруллаев ва Икром Жўраев.

*Жумамурат МИРЗАЕВ олган суратлар.*

## Эътироф

1999 йил апрелидан 2000 йил июль ойига қадар шифохонамизни Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказнинг вилоят филиали даражасига мослаштириш учун катта қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ана шу жараёнда салкам 3 гектар майдонда «Навоийавтойўл» корхонаси йўлу йўлаклар бунёд этди. 2 та фаввора қурилишини ташкил қилди.

Бетон-плитачалардан жуда чиройли ва сифатли қилиб қурилган йўлаклар, ойнадай текис ва равон йўллар бугун марказимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Эл меҳри, ҳайдовчи миннатдорчилигини қозониб яшамоқ бахт. Вилоятимиз йўлсозлари эса бунга ҳақли равишда сазовор бўлган инсонлардир.

**Э. БОТИРБОЕВ,**
**Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали директори ўринбосари.**

## Интилиб яшаш бахти

Нурота — қадим ва муборак замин. Бу тупроқнинг суви шифобахш, қумзарраю гардлари олтин, тоғу тошлари мўъжизакон маъдан, дашту чўллари — қуту барокот бозори. Яна Хизр назарли зиёратгоҳ гўша.

Ана шу боис ҳам бу юртга дунёнинг юраги туташ, унга интилмаган инсон йўқ, ниёзбахш тупроғини тўтиё этиб, шифобахш сувларига сиғинмаган жон кам. Бу мукаррам юртни эса чор-атроф билан кафтдаги чизиқлардай уйқаш автомобиль йўллари боғлаб туради. Бироқ бу ҳудуддаги йўллар бошқа жойларникидан тубдан фарқ қилади. Боиси, улар гоҳ тоғу тошни кесиб ўтган, гоҳ қиру чўллар бағрини ёриб кирган, гоҳ Айдаркўлдай катта сув манбаига ёндош йўналган. Шу боис ҳам бу йўлларга қаров-эътибор қаттиқ бўлмаса, йўл хавфсизлигини таъминлаш учун изчил иш олиб борилмаса, турли кўнгилсизликлар содир бўлиши ҳеч гап эмас. Бу эса Нурота туман автомобиль йўллардан фойдаланиш бўлими (бошлиғи С. Қулманов) ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

— «Қорақарға»да махсус масканимиз бор, доимий навбатчилик ташкил этилади, — дейди 225-йўл бўлими катта устаси, 32 йилдан бери шу соҳада меҳнат қилаётган, тажрибали йўлсоз Рустам Фармонов. — Ўша ерда навбатда тураман. Айниқса, қор ёққан пайтларда тоғ йўлларида юриш қийинлашади. Йўлни тез фурсатда қордан тозаламасак, пастга тушиш, юқорига чиқиш оғир кечади, жойларга тузли қум сепиб, яхмалак бўлишининг олдини олмасак қатнов тўхтаб қолади.

Суҳбатдан англаймизки, қор ёғишидаги сассиз садо йўлсозларни ярим тунда ҳам уйғотади. Масъулият ҳисси қоронғу тунларни-да «ёруғ кун»га айлантиради. Аслида, туманнинг барча ҳудудларида бу каби навбатчи масканлар бор. Уларда йўлчи йигитлар билан бирга И. Раҳимов, Н. Шокиров, А. Бўстонов, Р. Файзиев каби автогрейдерчи, тракторчи, бульдозерчилар ҳам ишлашади.

— Умумфойдаланишдаги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг масъулияти шу билан тугамайди, — дейди туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонасида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган Мурод ака Жумаев. — Бу каби қаровлардан ташқари йўл қурилиши ва таъмирининг сифатини ҳам ўйлашимиз керак. Кези келди, бир фактни айтиб берай. Навоий вилояти тарқатилиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшилган йиллари эди. Вазиятни ўрганиш учун ташриф қилган бир гуруҳ нуфузли меҳмонларни кутиб олаётгандик. Улар «Метан-Қўшработ-Нурота» йўли орқали ҳудудимизга кириб келаётганда, фарқни дарров сезиб қолади ва тўхташади.

Узоқ кузатувлардан кейин улардан бири ногаҳон сўраб қолди:

— Чет элликлар қуриб беришганми?

— Йўқ, ўзимиз, ўзимизнинг йўлсозлар қурган, — ифтихор ҳиссига тўлиб жавоб бердим унга.

Ўша пайтлар бош инженер вазифасида ишлар эдим. Бугунги кунда вилоят «Автойўл» ҳудудий шўъба ташкилоти раҳбари бўлиб ишлаётган Жаббор ака Норматов эса бўлимимиз етакчиси эдилар. Меҳмонлар бу кишини кўриб, бундай текис, соз, сифатли асфальт йўл қуриш технологияси билан алоҳида қизиққанлари ёдимда. Чинданам, соҳасини чуқур билган мутахассисда гап кўп. Бу борада саркоримизнинг билими, ишбилармонлиги, ташкилотчилиги ва фидойилиги беқиёс эдики, бунга 25 йиллаб хизмат қилса-да, «чарчамаган» Нурота йўллари гувоҳ. Қайтадан ташкил этилган вилоятимиз йўлсозларига саркор бўлиб иш бошлагандан кейин вилоят миқёсида амалга оширилган ишлар, силлиғу равон йўллар-йўлаклар гувоҳ.

Мурод ака суҳбатимиз асносида йўл белгилари масаласида ҳам бир ибратли гапни ўртага ташлади.

— Умумфойдаланишдаги йўллар учун йўл белгиларининг юки-хизмати беқиёс. Улар транспорт ҳайдовчиларига жойдаги вазиятни «айтиб турадиган» забонсиз воситалардир. Лекин қай бир жойда, қачондир, кимдир томонидан уларни ўмариб кетиш ҳолатлари ҳам учраб қолади. Ваҳоланки, шу белгисиз жойда транспорт воситаси вазиятни англамай ҳаракат қилади, оқибатда бир фалокат-фожиа рўй берса-чи?! Ўша ҳайдовчи ёки йўловчилар «белги»ни олиб кетган одамнинг жондан азиз кишиси бўлса-чи?

Нурота автомобиль йўлларидан фойдаланиш бўлимида бугунги кунда умумфойдаланишдаги 613 километр йўлни таъмирлаш ва сақлаш учун хизмат қилинмоқда. 190 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоанинг ўтган 9 ой муддатдаги фойдаси 10 миллион 700 минг сўмдан зиёд бўлди. Бажарилган иш ҳажми 228 миллион 832 минг сўмлик, шундан жорий таъмирлаш 44 миллион 657 минг сўмлик, ўрта таъмирлаш 73 миллион 481,9 минг сўмликни ташкил қилди ва ҳоказо.

Ҳозирда корхонада қишки мавсумга тайёргарлик ишлари бормоқда. Техника воситаларини таъмирлаш, ишчиларга қишки кийим-кечаклар бериш, ёрдамчи хўжалик ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш...

Ҳа, қиш чилласининг қаҳрли изғиринлари ва саратондаги гармсел оловларига қоврилиб ишлаётган бу соҳа ходимларига унча-мунча қийинчилик чўт эмас.

**Саҳифа материалларини С. УМАРОВА ва Э. БОЛИЕВ тайёрлашди.**

